

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил " 26 " декабрь

№ ПЖ-4078

20

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини
ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга берининг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва иқтисодиётнинг норуда хом ашё базасини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланишни таъминлашда катор муаммолар мавжуд бўлиб, булар ер участкасини ажратиш тўғрисидаги конун ҳужоатларининг ер қаъри участкаларини фойдаланишга берини билан бөглиқ нормаларга номувофиқлиги, қазиб олиш ва қайта ишланашда маънан эскирган, муддати тугаган техника ва ускуналардан фойдаланилаётганлиги, конлар ва истикболли майдонлар тўғрисида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш ва уларга давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси пастлигига намоён бўлмоқда.

Фақат жорий йилнинг сентябрь-ноябрь сйларида ўтказилган ўрганишларда 186 та субъект томонидан тегишли лицензия олмасдан 26,7 миллиард сўмлик норуда фойдали қазилмалар ноқонуний қазиб олинганлиги ҳолатлари аниқланди, шунингдек, лицензия шартларига риоя килмаган ва ер қаъри участкаларидан самарасиз фойдаланган 23 та субъектнинг ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки муддатидан олдин бекор килиниб, 55,6 миллион куб метр ва 3,4 миллион тона фойдали қазилмалар захираси давлат балансига қайтарилди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беринша шаффофликни таъминлаш, қазиб олиш ва қайта ишланаш жараёнларида илгор технологияларни кенг кўялаш ҳамда соҳага салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

вазирлик ва идоралар, махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдали қазилмалар захиралари давлат балансида хисобга олинган конлар ва истикболли майдонлар жойлашган ер участкаларини беринша (реализация килишда) ер фонди тоифасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг ижобий хуносаси олинади;

поруда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензия асосида ер қаъридан фойдаланувчининг мурожаатига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли ер участкалари ўн куидан ошмаган муддатда очик савдоларсиз, тўғридан-тўғри лицензиянинг амал қилиш муддати ва ер қаъри участкасининг чегараларига мувофиқ ажратиб берилади;

поруда фойдали қазилмалари ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг худудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштироқида амалга оширилади;

ер қаъридан фойдаланувчиларга берилган лицензияларининг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси томонидан бу ҳақда уч кун муддатда Давлат солиқ қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёзма маълумот берилади;

поруда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда тегишли ер майдонлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан захирага қайтарилади;

поруда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмлари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан узлуксиз икки йил давомида бажарилмаган тақдирда (форс-мажкор ҳолатларидан ташкари) ҳакиқатда қазиб олинган ҳажмдан келиб чиқиб, поруда фойдали қазилмалар захираларининг ўзлаштирилмай қоладиган қисми давлат балансига ва улар жойлашган ер участкалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари захирасига қайтарилади. Бунда, илгари берилган лицензия қайта расмийлаштирилмаедан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

поруда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида ер қаъридан фойдаланувчининг инвестицияий мажбуриятлари назарда тутилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан аниқланган поруда фойдали қазилмалар конлари;

2020 йил 1 январдан барча поруда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан "E-URO AUCTION" электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари асосида 20 кундан ошмаган муддатда берилади.

Бунда, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олишга лицензия олишда уларнинг конун хужжатларида бөлгиланган ҳукуюлари сақланиб колинади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини савдоға кўйишнинг бошлангич нархи аукцион ташкил килиш билан бөглиқ барча харажатлар йигиндисидан кам бўлмаган суммада белгиланади.

3. Белгилансинки, норуда фойдали қазилмалар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини “E-IJRO AUCTION” электрон савдо майдончасида реализация килишдан олинган пул маблаглари ва ушлаб қолинган закалат суммаси, аукцион ташкил килиш билан бөглиқ тўлов суммалари чегирилган холда тенг улушларда:

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш фаолияти олиб бориладиган худудлардаги тегишли туман (шахар)лар маҳаллий бюджетларига;

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш йиллик давлат дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирилган холда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг маҳсус ғазначилик хисоб ракамларига ўтказилади.

4. Табиий пардозбоп тошларни (мармар, гранит, травертин ва оҳактош) қазиб олиш ва уларнинг техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензияга эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар 2022 йил 1 январга қадар:

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўз ишлаб чиқариш эктиёжлари учун четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайта ишлашга мўлжалланган маҳсус техника ва ускуналар божхона тўловларидан (божхона йигимларидан ташқари) озод қилинади;

табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайта ишлани фаолияти бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солигини хисоблашда мазкур солиқ бўйича белгиланган ставка икки баробарга пасайтирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиб, норуда фойдали қазилмаларни чуқур қайта ишлашни ва улардан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш обьектларида маҳаллий норуда хом ашё асосида ишлаб чиқарилган қурилиш материалларини, шу жумладан табиий пардозбоп тошларни кенг кўллашни ҳамда норуда фойдали қазилмалар ноқонуний қазиб олинган ҳолларда уларнинг қийматини аниқланаш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорини қабул қиласин.

6. “Ўзкурилишматериаллари” АЖ 2019 йил 1 марта қадар республика худудида аниқланган барча табиий пардозбоп тошларнинг миллий брениди ва каталогини яратсан, уларнинг кенгайтирилган тақдимотини ўтказсин ҳамда ҳар йили бир маротаба каталогнинг янгиланиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимларни билан биргаликда уч ой муддатда Жиззах вилояти Фориш туманини Навоий вилояти Нурота тумани билан боғловчи темир йўл тармогини куриш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқсан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мазкур масала бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси 2019 йил 1 апрелга қадар:

аниқланган норуда фойдали қазилмалар конлари ва истиқболли майдонларнинг давлат кадастрини хатловдан ўтказсин;

хатлов натижаларига кўра, норуда фойдали қазилмалар ер қаъри участкалари ва истиқболли майдонлар тўғрисида батафсия (харита, фото ва видео) маълумотларни бериш, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва мазкур жараёнларни фойдаланувчилар томонидан онлайн кузатиб бориш имкониятини берувчи қўмитанинг янгиланган раомий веб-сайтини ва унинг мобил версиясини яратсин;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун лицензиялар беришда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш регламентини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси зиммасига (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) фойдали қазилмаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича куйидаги кўшимча вазифалар юклатисин:

хукуқбузарликларни профилактика килишнинг илғор услубиётларини жорий этиш, идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш;

фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш аниқланган ҳолатлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, маркшайдерлик ишларини ўтказган ҳолда етказилган зарар миқдорини аниқлаш;

аниқланган хукуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, соҳада ҳукукни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича назорат тадбирларини амалга оширишда Инспекция билан ўзаро ҳамкорликни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ривожлантириш жамгармасини (кейинги ўринларда Жамгарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Жамғарма маблаглари күйидаги манбалардан шакллантирилади;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида белгиланган талабларни бузганлик учун ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

ер қаъри фойдали қазилмаларидан ноконуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича аниқданган зарар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблагларини жойлаштиришдан олинадиган ҳамда конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, Жамғарма маблаглари Инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг ҳаққоний ҳажмини аниқлаш учун бажариладиган маркшайдерлик ишларини молиялаштиришга ҳамда ходимларни моддий рагбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геологик тасвирлаш ишларида, бажариладиган маркшайдерлик ўлчовларида ҳамда хавфли геологик жараёпларни ўрганишда учувчисиз учадиган аппаратларни харид қилиш, олиб кириш ва улардан фойдаланишга руҳсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда норуда фойдали қазилмалардан ноконуний фойдалангандик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи таклифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси мағфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда конун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришиш ва кўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев